



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI  
NIZOMIY NOMIDAGI  
TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETI REKTORINING  
BUYRUG‘I**

---

17.08.2017 y. № 554-У

Toshkent sh.

Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2017 йил 12  
августдаги 559-сонли буйруғи  
ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3183-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 9 августдаги 07/1-1926-сон топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 12 августдаги 559-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 12 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3183-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 9 августдаги 07/1-1926-сон топшириқлари ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 559-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўқув ишлари бўйича проректор Д.Эргашев, молия-иқтисод ишлари бўйича проректор А.Мўминов, бўлим бошлиқлари, факультет деканлари ва кафедра мудирларига:

– жорий йилнинг 15 сентябригача Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида педагогика йўналишида махсус сиртки бўлимларни ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3183-сон қароридан белгиланган топшириқлар ижросини

таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

– **жорий йилнинг 2 сентябригача** 2017/2018 ўқув йили учун махсус сиртки бўлимга ҳужжатларни қабул қилиш ва қабул жараёнини ўтказиш мақсадида қабул комиссиясини ташкил этиш бўйича таклиф киритиш;

– **жорий йилнинг 30 сентябригача** 2017/2018 ўқув йили учун университетнинг махсус сиртки бўлими 1-курсига талабаларни қабул қилишни юқори савияда ва адолатли ўтказилишини таъминлаш;

– махсус сиртки бўлимга қабул қилинган талабаларга олий сиртки таълимга оид тегишли низомлар ва тартиб-қоидаларни таништириш;

– иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот бериш сиртки таълим шаклида ташкил этилганлиги, бунда иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш бакалавриат таълим йўналишининг 2-курсидан (ўқув режалардаги фанлар фарқидан катъий назар) камида 3 йил этиб белгиланганлиги ҳамда 2017/2018 ўқув йили учун махсус сиртки ва сиртки таълимларда ўқув жараёни истисно тариқасида жорий йилнинг 1 октябридан бошланиши белгилаб қўйилганлигидан кейиб чиқиб ташкилий, ўқув ва услубий ишларни амалга ошириш;

– махсус сиртки бўлимда дарс беришга юқори салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш вазифалари юклатилсин.

3. Ўқув ишлари бўйича проректор Д.Эргашев, ўқув-услубий бўлим бошлиғи А.Хўжаев, махсус сиртки бўлим бошлиғи ва тааллуқли кафедра мудирларига:

– **жорий йилнинг 20 сентябригача** таянч олий таълим муассасаси сифатида махсус сиртки бўлим таълим йўналишлари бўйича малака талаблари, ўқув режалари, фан дастурларини тайёрлаш ҳамда ўқув ва ўқув-методик адабиётларни яратиш;

– университет ҳузурида ташкил этиладиган педагогика йўналишлари бўйича махсус сиртки бўлимлар олий таълим муассасаларининг ўқув-методик фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш таркибини педагогика йўналишида махсус сиртки бўлим ташкил этилган ОТМлари ўқув ишлари бўйича проректор (махсус сиртки бўлим бошлиқ)лари аъзолигида шакллантириш;

– мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг қарорда белгиланган асосий вазифаларини амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва тасдиққа киритиш вазифалари юклатилсин.

4. Махсус сиртки бўлим бошлиғига:

– махсус сиртки бўлим талабалари ўқишга киришда тавсиянома берувчи вазирлик ёки идора, олий таълим муассасаси ва талаба ўртасида ўқишни

якунлагандан кейин тавсиянома берган ташкилот йўлланмасида кўрсатилган иш жойида (таълим муассасасида) беш йилдан кам бўлмаган муддатда ишлаб бериш мажбурияти билан уч томонлама шартнома тузиш вазифаси юклатилсин.

5. Кадрлар бўлими бошлиғи А.Акрамовга:

– жорий йилнинг 31 августига декан мақоми берилган махсус сиртки бўлим бошлиғи лавозимига энг камида 3 нафар номзоднинг тегишли хужжатлари билан университет ректорига таклиф киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу буйруқни электрон шаклда проректорлар, деканлар, кафедралар ва тааллуқли бўлимларга етказиш девонхона мудираси Г.Насриддинова зиммасига юклатилсин.

7. Мазкур буйруқнинг ижросининг назорати ўқув ишлари бўйича проректор Д.Эргашев зиммасига юклатилсин.

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 12 августдаги 559-сонли буйруғи

Ректор

Ш.С.Шарипов

**Таклиф киритди:**

**Келишилди:**

Ўқув ишлари бўйича проректор  
Д.Эргашев

Молия-иқтисод ишлари бўйича проректор

А.Муминов

Ўқув-ўқув услубий бўлим бошлиғи

А.Хўжаев

Ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи

Ў.Толипов

Кадрлар бўлими бошлиғи

А.Акрамов

Юриконсулт

А.Ибрагимов